

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (1526)

9 январь, шанба, 1960 йил.

Баҳоси 20 тийин.

ХАЛҚ БОЙЛИКЛАРИНИ тежаб сарфлайлик

Совет халқи 1959 йилни халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида гўят катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда якунлаб, шонли етти йилликнинг иккинчи йилга қадам қўйди. 1960 йилдаги вазифаларимиз янада катта, янада ункан. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми оғир индустриализмнинг муваффақиятларига таянган ҳолда социалистик қишлоқ ҳўжалигини бундан кейин ҳам аўр бериб юксалтиришнинг пороқ истиж болларини белгилаб берди. Пленум қарорларидан руҳланган мамлакатимиз меҳнаткашлари коммунизмнинг муҳташам биносини тобора баланд қўтармоқдалар. Бу аjoyиб бинони қуриш учун жуда кўп миқдорда моддий ресурслар талаб этилади. Жумладан, оғир индустриализмнинг юраги ҳисобланган машинасозлик, электротехника, радиотехника тағин ҳам юксалтириш, мамлакатни ёлпасига электрлаштириш, қишлоқларимизнинг оғирини енгил, узоқни яқин қилди. ган механизация ва автоматизацияни кенг жорий қилиш учун, ҳуллас етти йилликнинг юксак қўққиларига илдамроқ чиқиш учун бизга бошқа моддий ресурслар қатори кўч миқдорда рангли металллар керак.

Тўғри, мамлакатимизда рангли металллар ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Чунки, шу етти йилда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариши иккинчи баравар кўпайтириш қўзда тутилмоқда. Лекин шунга қарамай социалистик экономиканинг бачча тармоқлари янги тез суръатда тарқайи етганлиги сабабли рангли металллар ҳали ҳам етishмайди. Ўш ҳўжалигининг моддий ресурсларнинг ана шу турига етган аҳвиёини тўлқор қондириш ва рангли металллардан фойдаланиш мақсадида партия Марказий Комитети мис, никель, қалай, қўрошни ва бошқа рангли металлларни тежаб сарфлаш ҳақида Совет Иттифоқи меҳнаткашларига қарата махсус Мақтуб қабул қилди.

Областимиздаги бир қатор илгор корхона коллективлари ишлаб чиқариш жараёнини таоминлаштириш. Ватанимиз ҳақда чет элларда яратилаётган янгиликларни дадиллик билан жорий этиш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиш, илгор технологияни амалда ошириш йўли билан кўпга рангли металлларни тежаб қўлишга эришмоқдалар. Бу соҳада «Ташкентгабель» заводи ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ишлари намуна бўлардилар.

Завод коллективи Бутуниттифок наёб сановит илмий-техшир институтининг Тошкент филиали ходимлари билан ижодий ҳамкорликда бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Мис ўрнига арзон ва чидамли материал — алюминийдан кенг фойдаланиш нотижасида ўтган 1959 йилда 1500 тонна мис тежалди. Корхонада рангли металллар ўрнини, босадиган материаллардан фойдаланиш соҳасида катта иш олиб боришмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Мақтуби асосида завод партия ташкилотининг ташаббуси билан корхонада қимматли рангли металллар сарфлашни қамайтириш юзасидан энг яқин рационализаторлик тақдирлари учун конкурс эълон қилинди.

Лекин шунинг оқиб эътироф этиш керакки, КПСС Марказий Комитетининг Мақтубида кўрсатиб ўтилганидек, кўпчилик корхоналарда ҳўжасизлик ва

рангли металлларнинг ўринсиз сарф қилинишига ҳамоно йўл қўйилмоқда, рангли металлларнинг ўрнини босадиган материалларни қидириб топиш ва улардан ўринли фойдаланиш соҳасида ҳали суст иш олиб боришмоқда. Чирчиқдаги «Электромаш» заводнинг бошчи инженери бир тўпна мутахассислар «Ташкентгабель» заводи коллективининг таърифи асосида агрегатларнинг айрим деталларини ёғоч пластикадан тайёрлаш соҳасида катта иш қилди. Дастлабки таъриблар бу тадбирнинг гўят катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Аммо завод директори Хан ва бош инженерлари Ариас ўртоқларининг эътиборсизлиги тувайли бу янгиликка ҳамоно йўл счилганича йўқ. Вақолалик, ёғоч пластикадан кенг фойдаланиш кўп миқдорда рангли металлларни тежаб ҳақда тайёрланаётган маҳсулот таннарини қамайтириш имконини берган бўлур эди.

Халқимизнинг пешона тери билан рўбга келган бойликларни булар-бўлмасга сарф қилиш — жиноятдир. Партиянинг бундан бу соҳада қаттиқ тартиб ўрнатишни талаб қилмоқда. Ҳўжасизлик ва исрофгарчилик халқимизга ва давлатга катта зарар келтиради. Шунинг унутмаслик керакки, рангли металлургия сановитининг кўп меҳнат ва маблаг талаб этадиган тармоқларидан биридир. Агар биз ақалли бир тонна қалайини иқтисод қилсак, қонлардан 300 тоннадан ортиқ рудан чиқариш ва уни қайта ишлаш учун сарфланадиган меҳнат ва маблагни тежаган бўламиз.

Партиянинг Марказий Комитетининг Мақтуби сановит порхоналари, конструкторлик бюрolari, илмий-техшир мусассадалари коллективлари зиммасига гўят катта ва шарофли вазифаларни юкллади. Улар рангли металлларни сарф қилиш нормалаштиришдаги жиддий камчиликларни тугатишлари, маҳсулотнинг сифати ва ташиқ қўринишига зарар етказмаган ҳолда ишча, пластмасса, ёғоч пластикасидан ва рангли металллар ўрнини босадиган бошқа материаллардан кенг фойдаланишнинг мақсадида мушарриф йўлларини излаб топишлари ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишлари зарур. Корхоналарда рангли металллар чиқиндиларини тўплаш ишларини намунали йўлга қўйиш ва бу ишга бутун жамоатчиликнинг жалб этиш лозим. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида қамчиш ва қимматга тушадиган рангли металлларни тежаб халқ ҳўжалигини тез суръат билан юксалтиришда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кенг тушутиришлари зарур.

«Тома-тома кўл бўлур», дейилади халқ мақолида. Граммалардан килограммлар, килограммлардан эса тонналар ҳосил бўлади. Ҳар бир ишчи, ҳар бир участка, цех ва корхона коллективи ўз ҳўжалигида тартиб ўрнатиб, Ватанимиз бойликлари янада кўпайтиришдек олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшиш. Рангли металллар — халқ, мамлакат бойлигиндир, унинг ҳар бир граммидан оқилона фойдаланиш. Халқ бойликлари билан қанчалик тежаб сарфласак, Ватанимиз куч-қудратини шунчалик ошади. КПСС XXI съездининг тарихий қарорлари шунчалик муваффақият билан бажарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
А. М. МУРТАЗАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ
КўРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ДЕГАН ФАҲРИЙ
УНВОН БЕРИШ Тўғрисида

Туғилган кўнига 60 йил тўлганлиги муносабати билан, кўп йиллик илмий — педагогик ва ижтимоий фаолияти учун Тошкент фармацевтика институтининг профессора мушри, профессор Асан Муртазаевич Муртазаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБНОВ.

Тошкент шаҳри,
1960 йил 8 январь.

КПСС Марказий Комитети ва СССР
Министрлар Советидан

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатимизнинг йирик инженер-металлурги, атоқли олим, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Иван Павлович Бардин 1960 йил 7 январда, 77 ёшида, ўз вазифасини бажариб турган вақтида вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қиламиз.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ТАСС АХБОРОТИ

Баллистик ракетаalar ёрлами билан космик фазони тадқиқ қилиш соҳасида Совет Иттифоқида яришилган муваффақиятлар асосида, илмий-тадқиқот-ишлари планига мувофиқ, совет олимлари ва конструкторлари ерининг оғир вазияти йўлдошларини учуриш ва қўш системадаги планеталарга космик учтишлари амалга ошириш учун янада қудратлироқ ракеталар яратиш соҳасида иш олиб боришмоқдалар.

Жуда аниқ ушадиган бундай ракетани тайёрлаш мақсадида 1960 йилнинг яқин ойлари давомида Тинч океанининг кемалар кўп қатнайдиған йўлларида, ҳаво трассаларида ва балиқ овлайдиган жойлардан узоқдаги марказий қисмига сўнгги босқичсиз ана шундай ракета учурилади.

Ракетанинг сўнгисидан олдинги босқичи қўидаги координаталар билан чекланган районга тушади, деб қўтилади:

КЕНГЛИК	УЗУНЛИК
9 градус 06 минут шимолий	170 градус 47 минут гарбий
10 градус 22 минут шимолий	168 градус 22 минут гарбий
6 градус 16 минут шимолий	166 градус 16 минут гарбий
5 градус 03 минут шимолий	168 градус 40 минут гарбий

Зарур ўлчовларни ўтказиш учун маъкур районга Совет флотининг махсус кемалари юборилди.

Дастлабки ракеталар тахминан 1960 йил 15 январдан 15 февралгача бўлган даврда учурилади.

Тинч океанининг марказий қисмига ракеталар учуриш вақтида кемалар қатновининг ва самолётлар учушининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ТАСС шунинг маълум қилиш вақолатини олдики, Совет Иттифоқи ҳукумати шу давр ичида кемалари ва самолётлари ракеталарнинг сўнгисидан олдинги босқичлари тушади деб мўлжалланган районга ақин жойда бўлиши ақимол тутилган мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожаат қилиб, тегишли маъмурларнинг кема капитанларига ва самолёт командирларига Тинч океанининг ушбу ахборотда кўрсатилган координаталар билан чекланган акваториялар ва ҳаво масофалари районига қирмаслик ҳақида кўрсатма беришларини илтимос қилади.

ВЦСПС Президиумида

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШ УЧУН УМУМХАЛҚ
ЮРИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАЙЛИК

ВЦСПС Президиуми касба соҳа крет мисоллар асосида ўтказилган ташкилотларнинг халқ ҳўжалигида электр энергиясини тежаб сарфлаш учун курашни тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

ВЦСПС Президиуми касба соҳа юксалтириш соҳасига, марказий, республика, ўлка, область ҳақда фабрика-завод ва маҳаллий комитетлар ишчи ва хизматчилар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг «Халқ ҳўжалигида электр энергиясини рационал фойдаланиш тўғрисида» ги Хатини ишчи ва хизматчилар ўртасида кенг тушутиришни топширди. Умумий йиғилишларда, ўз корхонаси, сановат тармоғи, область, ўлка, республика ҳаётидан олдинган кон-


Планда ташқари нефть

СТАНИСЛАВ В. (ТАСС). Долиндаги нефть конининг нефть кўйиш эстакадасидан «қора олтин» тўғилди. 1959 йилни муваффақиятли равишда тугатдилар. Улар йиллик пландан ташқари ўнлаб эшелон суяқ ёнигли чи йили дастлабки кун-

йилнинг бошланишини ҳам суткалик топшириқларни ошириб бажариш билан нишонладилар. Бригада 1 ва 2 январдагина пландан ташқари озолаб тонна нефть чиқарди. Йил давомида суяқ ёнигли чиқариш ўтган йилдаги нисбатан 30 процент ортади.



Бу уч дугона ўрта мактабни етуқлик аттестати билан тамом қилганларидан сўнг хунари бўлиш мақсадида Тошкентдаги 1-тикувчилик фабрикасига ишга келдилар. Эндиликда улар тикувчилик касбини мукаммал эгаллаб олиб, смена топшириқларини икки-икки арим бараварга етказиб бажармоқдалар. Суратда: (чапдан) Лида Савельева, Қўмири Носирова ва Латифа Исмаиловна ўртоқлар. В. Салов фотоси.



Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни Етти йилликни 1963 йилда бажарамиз

Сирдарё районидида «Ҳақиқат»
колхозни аъзоларининг
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Биз «Ҳақиқат» колхозининг аъзолари партия XXI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили чорвачиликни ривожлантиришда бирмунча ютуқларни қўлга киритдик. Чорва моллари туғилиши ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш бўйича белгиланган план муддатидан олдин бажарилди.

Биз КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган етти йиллик планини 1963 йилда бажаришга қарор қилдик.

Тамбов областидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Е. И. Андриев раислик қилаётган илгор «Коминтерн» колхозининг таърибларига азал қилиб, 1960 йилда ҳар юз гектар яроқли ер ҳисобига 70 центнердан гўшт, 550 центнердан сут етиштирди. Шунингдек бу йил гўшт етиштириш бўйича икки йиллик планни, сут етиштириш бўйича эса уч йиллик плани бажарамиз. Чорва моллари маҳсулдорлигини кескин ошириш мақсадида мустаҳкам ем-ҳашак базаси ружудга келтирмиз.

Чорвачиликни ривожлантириш бўйича етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун Гулистон районидидаги «Ленин» номи колхозини социалистик мусобақага қақирамиз.

Колхоз аъзолари номидан: И. ИҲУДОШЕВА — колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, М. ҲАКИМОВ — партия ташкилотининг секретари, А. МИРЗАЕВ — комсомол комитетининг секретари, Д. ИҲУДОШЕВ — ферма мушри, В. МИНАКОВА — зоотехник, Е. ТАУРОВА, Н. САТВАЛЕЕВА — сут соғувчилар.

Парранда гўшти сөрөб бўлади

Гулистон районидидаги
паррандачилик совхозини
коллективининг
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Совхозимиз етти йилликнинг биринчи йилида ҳўжалигининг барча тармоқлари сингари давлатга парранда гўшти ва туҳум сотиш план-

ларини ҳам бажарди. Ҳаммаси бўлиб 625 центнер гўшт тайёрланди. Бунинг 500 центнери парранда гўшти-дир. 2 миллион 159 минг дона туҳум тайёрланди. Ҳайдалаган ҳар юз гектар ер ҳисобига 50 центнердан парранда гўшти сўйилган вазида ва 540 минг дондан туҳум етиштирдик. Туҳум қиладиган ҳар бир товуқдан пландаги 115 ўрнига 130 тадан туҳум олдик.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материаллари ва мамлакатимиздаги илгор ҳўжаликларнинг иш натижалари билан танишиб, биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик ва 1960 йилда парранда гўшти етиштиришни ўтган йилдаги қараганда икки баравар кўпайтириб, минг центнерга, туҳум етиштириш иш эса 1,3 баравар кўпайтириб, 2 миллион 650 минг донга етказамиз.

Етти йилликнинг иккинчи йилида совхоз ҳар юз гектар яроқли ер ҳисобига юз центнердан парранда гўшти, 660 минг дондан туҳум етиштирди. Мақен паррандалар сонини 35 мингга, жумладан ўрдақлар сонини 3 мингга етказамиз. Давлатга 50 мингта парранда ва 25 мингта ўрдақ топширамиз.

Ўз мажбуриятимизни бажариш учун ҳўжаларни бройлер методи билан боқамиз.

Биз ўзимиз олган мажбуриятнинг анча юксак аъянини тушунамиз. Аммо уни бажариш мумкин. Ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз.

И. ШАРИПОВ — совхоз директори, С. ҚОЙ — бош зоотехник В. ТАЗОВА — товуқ боқар.

Гўшт, сут мўл- кўйлиги учун

«Оққўрғон» совхозини
коллективининг
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Биз, «Оққўрғон» совхозининг ишчилари, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари партия XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Ўтган йили ҳар юз гектар ер ҳисобига 18 центнердан гўшт, 70 центнердан сут етиштирдик. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган план тўла бажарилди.

Бироқ, қўлга киритган муваффақиятларимиз ҳали жуда кам, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш учун совхозимизда имкониятлар кўп.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланиб, етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, 1960 йилда 313 тонна ёки 1959 йилдагига қараганда икки баравар кўп сут етиштиришга қарор қилдик. Ҳар беш соғин ситирдан соғиб олдинг сут миқдорини 2 минг 850 килограммга етказамиз. 1960 йилда биз ҳар юз гектар яроқли ер ҳисобига 36 центнердан гўшт ва 150 центнердан сут етиштирамиз.

Олган мажбуриятимизни бажариш учун чорва молларининг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Жумладан 249 гектар ерга маккажўхори, 50 гектар ерга далавга ва бошқа озуқа-беп экинлар екамиз.

Ж. АҚРОМОВ — совхоз директори, Р. БЕРДИЕВ — партия ташкилотининг секретари, САРИМСОҚОВА — бош зоотехник.

Келинг, мусобақалашайлик

Гулистон районидидаги
паррандачилик совхозининг
товуқбоқари В. Тазованинг
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Ўтган йили мен ўзимга биркитилган 1700 товуқнинг ҳар биридан 141 дондан туҳум олдим.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида Харьков областидаги «Борки» совхозининг товуқбоқари Вера Сидорининг катта муваффақиятлари ҳақида гап бўди. Ҳ 6 мингта товуқни боқиб, 1 миллион дона туҳум олар экан. Мен мана шу таърибали товуқбоқарининг иш услубидан фойдаланмоқчиман. Шундай қилсам давлатга кўпроқ парранда маҳсулотлари сотишимиз мумкин бўлади.

1960 йилда мен ўтган йилдагидай 1700 амас, балки 3 мингта товуқ боқаман. Улардан камида 400 минг дона ёки йил давомида ҳар бир товуқдан 150 тадан туҳум оламан.

Балинин районидидаги Киров номи колхозининг товуқбоқари Ольга Лизуновани социалистик мусобақага қақираман.

Чақирингизни қабул қиламан

Калинин районидидаги Киров номи колхозининг товуқбоқари
О. Н. Лизунованинг
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Ўтган йили мен 860 та товуқни боқиб, уларнинг ҳар биридан 118 тадан ёки ҳаммаси бўлиб, 101 минг 700 дона туҳум олдим. Бундан ташқари 3 минг 600 та жўжа боқиб, шулардан давлатга 2 мингтасини топширдим. Уларнинг тирик-вазни 2,5 тоннага борди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларига жавобан мен оширилган мажбурият олдим. 1960 йилда туҳум қиладиган 1200 товуқни боқиб, уларнинг ҳар биридан 138 дондан ёки ҳаммаси бўлиб 165 минг дона туҳум олганига сўз бердим. Шунингдек давлатга 3,5 тонна парранда гўшти топширишга қарор қилдим.

Мен Гулистон районидидаги паррандачилик совхозининг товуқбоқари Варвара Тазованинг чақиринини қабул қиламан.

400 минг сўм тежалди

Оҳангарондаги 72-автобаза кол-лектив ишчи яхши ташкил этиб, етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан 45 кун илгари бажаришга муваффақ бўлган эди. Шоферлар планга қўшимча равишда юзларча минг тонна халқ ҳужалиги юкларини ташиб-бердилар. Автомашиналардан унумли фойдаланиш, уларнинг қаровини тинимсиз яхшилаб бориш натижа-сида меҳнат унумдорлиги белги-ланганига қараганда 16 процент ошди. Бу 100 минг сўм фойда де-макдир. Бундан ташқари юк та-шиш ҳаракатларини камайтириш натижасида «деярлик» 300 минг сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Шаҳардаги бошқа саноат кор-хоналари ва қурилиш ташкилот-ларининг коллективлари ҳам етти йиллик фондига ўз ҳиссаларини қўймоқдалар жумладан, йиллик планни муддатидан бир ой илгари 101.2 процент қилиб адо этган «Ўзбекголь» комбинатига қараш-ли қурилиш бошқармаси бинокер-лари материалларни тежаб тергаб сарфлаш, қурилиш ишлари тан-нариқини камайтириш ҳисобига 100 минг сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолдилар.

А. КҲИЕВ.

„Заҳарли ҳаёт“ халқ театри сахнасида

Пойтахтимиздаги Охунбобоев ном-ли шаҳар маданият уйи ҳузурида ташкил қилинган халқ театрининг ёш талантлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт» асарини тайёрлаб, сахнага қўйди. Бу фо-жияни биринчи марта автор ўзи са-ҳнадаштириб, ундаги бош қаҳрамон — Маҳмудхон ролин ўзи икром этган эди. Шуниси диққатга сазоворик, спектаклдаги ролларни профессио-нал артистлар эмас, балки илдан бўш вақтларини санъатга бағишла-ган турли касбадаги оддий ишчилар ва хизматчилар ижро этишгән. Жум-ладан, Маряхон ролин мактаб сек-ретари М. Маҳкамова муваффақият билан ўйнади, Маҳмудхон образини аса кинопрокат хизматчиси Қ. Саъ-дуллаев яратган. Эшон роли аса 1-босмаҳона ишчиси С. Аҳмедов ижро-сида анча ишонarli чиққан.

Оташин шоир бобилега соғат қилинган бу спектаклни халқ те-атр коллективи Ўрта Чирчиқ ва Ор-жоникидзе районларида ҳам намойиш қилади.

Т. ИСЛОМОВ.

Темирйўлчилар учун сиртқи мактаб

Тошкент темир йўл бошқармаси темирйўлчиларнинг ишлаб чиқариш-дан ажралмаган ҳолда ўқишлари учун сиртқи мактаб очди. Мазкур мактабнинг етти та станицияда ўқиш-консултация пунктлари бор. Мак-таб ўқувчилари ишдан бўш вақтла-рида мазкур пунктларда кундуз кун-лари таълим оладилар.

Сиртқи мактабга кириб ўқишни истagan темирйўлчиларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Янги йилдан ҳамма станициялардаги ўқиш-консултация пунктларида машгу-лотлар бошланди.

Н. ҲАКИМОВА.

«МЕН УЗОҚ ОЙДАН»



Суратда: «Ой одам» болалар ўртасида.

В. Салов фотоси.

Тошкентдаги ёш техниклар станциясида яқинда ўтказил-ган арча байрами олдатида ар-ча байрамларида ўхшамасди. Залда болаларнинг ўйин-мулти-сини ажида эди. Қўвноқ ашула-ва рақслар билан тиниб, ҳам-ма рўпарадаги лаборатория эшиги томон тикилиб қолди. Эшик охира очилиб, ундан чи-қиб келатган «одам» «автомат-одам» салобат билан залнинг ўртасига қараб келаверди. Бол-алар шу топда ҳамма нарсани учутиб, «катта киши»га махлиё бўлиб қолди.

Салом, болалар, мен узоқ ойдан меҳмон бўлиб келдим. Космосни эбт этайтган мамла-катнинг ёш авлодида у ердан қизгин салом келтирдим. Сэр-қуёш Ўзбекистоннинг пойтах-ти — Тошкентдаги ёш техник-лар станцияси ҳунармандлари-нинг ишларини ойда туриб эшитдик, — гапира бошладилар меҳмон...

— Ия, гапирар экан-ку... Бол-алар хурсанд бўлишганидан қийқариб, чапак-чилиб юборил-ди. Шундан сўнг халғин «одам» болалар билан рақсага тушиб ай-лана бошлади. Болаларнинг қўвончини ана энди кўринг...

Утган йил ёнда ёш техник-лар станцияси аъзолари Москвада Эскурусидега боришганда Бутунитифок саноат йиғилиши-да ана шундай таълим «одам»-ни биринчи марта кўриб ҳайрон қолганганди. Ушанда ана шундай ажойибот яратиб станиция ҳунармандларининг ҳа-лини билд қилиб қўйди.


Эскурусидан қайтгач, стан-циянинг радио ва пароход мо-дели тўғрисида аъзолари бу чи-га астойдил киришилди. Тўра-рак бошлиқлари Л. Баранов-ский ва В. Морозов ўртоқлар болаларга раҳбарлик қилиб ту-ришди.

Мана, ҳунардан унар деган-ларидек, ниҳоят пионер ва ўқув-чилар ўз кўллари билан «одам» ясадилар, унга «жон» киргиз-ди, тилга келтирдилар. Улар ўзларининг бу янги экспонат-ларини «ой одам» деб атади-лар. «Ой одам» оддий юпқа фа-

нердан бўлиб, қўл, оёқлари бор. Уни тапиртириш учун «оғзи»-га кичкина репродуктор — ди-намик ўрнатилган. Ичкаридан микрофон орқали айниб турил-ган сўз «ой одам»нинг «оғзи»-дан эшитилади. Унинг боши-га «мия»сига радиолампалар ўрнатилган. Ички «организм» ўрнига аса электр симлари ва бошқа асбоблар жойлаштирил-ган. Унга радио асбоблар-ни ёш конструктор — 8-синф ўқувчиси Сергей Чернов ўрнат-ган.

«Автомат — одам» ясаган Тошкентдаги ёш техниклар станциясининг тўғрақ аъзола-ри техникани пухта эгаллаёт-ганларини намойиш қилдилар.

Н. НАСИМОВ.



— Бу машина чиройлик гулларни қандай қилиб тикаркин-а...

Чет элларда

Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚЛАРИ ТУПЛАМИ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА НАШР ЭТИЛДИ

БЕРЛИН, 6 январь. (ТАСС). Бер-линдаги «Дип» нашриёти «Тинчлик йўлидаги ғолибона юриш» номли тўплам босиб чиқарди. Бу тўплам Н. С. Хрушчевнинг Қўшма Штатлар-да бўлган вақтда сўзлаган нутқлари-ни ўз ичига олган. Тўпламга Кемп Дэвиддаги суҳбатлар тўғрисида Со-вет—Америка қўшма ахбороти, Н. С. Хрушчевнинг БМТ Бош Ассамблея-си XIV сессиясида сўзлаган нутқи,

Н. С. Хрушчевнинг Вашингтонга келганда сўзлаган нутқи, Совет ҳу-кумати бошчилигининг Вашингтондаги Миллий матбуот клубида, Нью-Йорк шаҳри мери томонидан берилган зиё-да сўзлаган нутқлари, шунингдек Н. С. Хрушчевнинг АКШ дан қайтиб келгандан кейин Москвада Спорт саройида сўзлаган нутқи ҳамда бош-қа нутқлари киритилган.

Тўпламда фотосуратлар ҳам бор.

МЎҒУЛИСТОН ХАЛҚ-РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

УЛАН-БОТИР, 6 январь. (ТАСС). Бу ерда Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик пар-тиясининг асосчиси, бутун дунё ме-хнаткашларининг устози ва йўлбо-шичи Владимир Ильич Ленин туғи-лан кунининг 90 йиллигини бутун мамлакатда кенг нишонлаш тўғри-сида яқинда қабул қилинган қарори эълон қилинди.

«Ленинизм Мўғулистон Халқ-ре-волюцион партиясини ва халқими-ни социализм-коммунизм учун йу-рashiда янги куч, ирода ва ишонч би-лор курулантирди ва курулантири-моқда», — дейилади Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марка-зий Комитетининг қарорида.

Мўғулистон Халқ-революцион пар-тияси Марказий Комитети барча ай-моқ ва шаҳар партия комитетлари-га ҳамда халқ қўшнларининг ҳар-бий-сиёсий бошқармасига партия аъзолари ва кандидатларининг, иш-миш қилувчиларининг В. И. Ленин асарларини кенг ўрганишларини

ташкил қилишни, В. И. Ленин ҳаё-ти ва фаолиятига бағишланган лекциялар, назарий конференциялар ва выставкалар ташкил қилишни, шунингдек ҳамма жойда меҳнаткаш-ларнинг йиғинларини ўтказишни топишди.

Мўғулистон Халқ-революцион пар-тияси Марказий Комитетининг аги-тация ва пропаганда бўлимига В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги тўғрисида доклад тезисларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтига аса «В. И. Ленин Мў-ғулистон ҳақида» деган тўплам нашр этиш топишди. Бу тўплам В. И. Лениннинг Мўғулистон масалалари-га доир баён этган фикрлари ва улар-га берилган шарҳларни ўз ичига олишни лозим. Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Ко-митетининг кўрсатмасига мувофиқ, Давлат халқ кутубхонасида Влади-мир Ильич Ленин асарлари выстав-каси очилади.

ГЕРМАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕРЛИН, 6 январь. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетасининг бу-гунги сониде эълон қилинган ахб-орда 1959 йил декабрь ойининг ўр-таларида Германия Коммунистик пар-

тияси Марказий Комитетининг нав-батдаги пленуми бўлиб ўтганилиги хабар қилинди.

Пленум Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг иши тўғрисидаги ахбо-ротни тинглади. Сўнгра Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Макс Рейман Германия Коммунистик партиясининг конференциясида тай-ёргарлик ҳақида ва партиянинг ва-зи-ялари тўғрисида доклад қилди.

Сўнгра доклад юзасидан музока-ралар бўлди.

Макс Рейман охириги сўзга чиқиб, ҳозирги вақтдаги вазифа бутун та-шкilotда партия ишларининг савия-сини оширишдан иборатдир, деди. Юксак даража бўладиган кенгаш Германия Федератив Республикаси-нинг халқаро кескинлигини юмша-тиш ишига, тинчликни таъминлаш ва Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш ишига ҳисса қў-шиш учун курашни кенг кўламли-да авж олдириб юборишни талаб қи-лмоқда.

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ КОБИЛ АЭРОДРОМИ ҚУРИЛИШНИ БОРИБ КЎРДИ

КОБИЛ, 6 январь. (ТАСС). Афғо-нистон подшоиси Зоҳир Шоҳ кеча Ко-бил аэродроми қурилишини бориб кўрди. Подшо аэровокзал биносининг қурилиши билан ҳамда аэродром қурилишидаги тайёргарлик ишлари билан танишди. Афғонистон подшо-си тайёргарлик ишларининг боришдан мамнун эканлигини билдирди ҳамда совет мутахассисларининг ишига юк-сак баҳо бериб, уларга янада муваф-фақиятлар тилади.

Кобил аэродромининг қурилиши, деди Зоҳир Шоҳ, Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларнинг яна бир далилидир.

ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Жа-зоир Миллий овозлик армияси бош қўмондонлигининг 1959 йил 5 де-кабрдан 31 декабргача бўлган вақт ичида Жазоирдаги уруш ҳаракатлари тўғрисидаги бу ерда эълон қилинган ахборотида бундай дейилади: шу давр ичида француз солдат ва офи-церлардан мингдан ортиқ киши ўл-дирилган, душманининг 95 танки ва 34 ҳарбий автомашинаси яқсон қи-линган, француз вертолети уриб туширилган.

Жазоир миллатидан бўлган, Фран-циянинг мустақлака қўшнларида хизмат қилган 230 дан зиёд солдат, шунингдек чет эл легионига қараш-ли 5 солдаги Жазоир миллий овозлик армияси томонига ўтган.

МАКМИЛЛАННИНГ АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БУЙЛАБ САФАРИ

ЛОНДОН, 6 январь. (ТАСС). Анг-лия беш министри Макмиллан кеча кечқурун самолётда Марказий Афри-кага жўнаб кетди. Макмиллан Гана, Нигерия, Родезия ва Ньясаленд Фе-дерациясини ҳамда Жанубий Африка Иттифоқига боради.

Макмилланнинг сафари қарийб тўрт ҳафта давом этади. Унинг са-фари вақтида беш министр вазифа-сини ички ишлар министри Батлер бажариб туради.

Телевизор Экранда

8 ЯНВАРДА
12.00. Купрининг «Напер-» ҳинюиси асосида телеицензи-ровка ва ўзбек тилида «Гутта-перча бола» деган бадий фильм.
19.30. Рус тилида «Рассом ҳиноллари» деган иккинчи эшиттириш.
19.40. Халқаро обзор.
19.55. «Етти йиллик ҳақи-да ҳинюлар» циннидан эшит-тириш.
20.25. «Ўғлимиз сафарга чиқади» деган телеицензи-ровка (рус тилида).
20.50. Сўнги ахборот.
21.10. Бадий фильм — «Кўршапанан эснарильясен».

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТОШКЕНТИНГ ТАМОШАЛАРИ

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/1 да кундуз Макр ва муҳаббат, кечқурун Ўзчи юлдуз, 9/1 да кундуз ва кечқурун Фурак, 9/1 даги кундузги спектаклга билетлар сотилган.

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/1 да кундуз Доктор Аббосил, кечқурун Дилором, 9/1 да кундуз Жинзель, кечқурун Ригелетто.

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТР-ДА — 8/1 да Ватан ички (билет-лар сотилган), 9/1 да Фаргона ҳи-кояси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — 10/1 гача Арча. «Айқлар цирки» иштирокида катта байрам тамошалари. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

Бир қирувчининг тарихи — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (эрталаб соат 10 ярим-да), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИ-ГИ» (кундуз соат 1.40 минут, 3.20 минут ва кеч 10-10 минутда), «СПУТНИК» (кеч соат 5 ярим, 6 ярим ва 8 яримда).

Тимур ва унинг командаси — «ВАТАН» (эрталаб-соат 10-20 ми-нутда).

Сукунат оламида — НАВОИ но-мли (эрталаб соат 10-20 минут ва кундуз 12 да), КИНОЛЕКТО-РИП (кундуз соат 1 ярим, 3, 4-40 минут ва кеч 9 да).

Насриддин Ҳўжанда — НА-ВОИ номли (кундуз соат 3-20 минутда).

Қонуи-қонуи — «ЎЗБЕКИС-ТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТ-НИК» (кундуз ва кечқурун), НА-ВОИ номли (кундуз соат 1 ярим, кеч 5, 6-40 минут, 8-20 ми-нут ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 1 ярим, кеч 5 ва 8 яримда).

Яшил ерларимда — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «КОМ-СОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 5, 6-45 минут ва 8 яримда).

Болалар — «СПУТНИК» (кун-дуз соат 12 ярим ва 2 яримда).
Овчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).
Саҳролаги воқеа — «ЎЗБЕ-КИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА мактаб ўқувчиларининг каникуз кунларида

10 январгача

АРЧА

«АЙҚЛАР КЎРГАНИ БОРАМИЗ»

Энг яхши совет аттракциони

«Айқлар цирки»

иштирокида

КАТТА БАЙРАМ ТАМОШАЛАРИ

Айқларини ўратувчи — РСФСР халқ артисти Валентин Филатов.

Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

Қишлоқ кўча, 108-уйда турув-чи Замира Саримсоқованинг М. Уйғур кўчаси, Ривож проезд, 22-уйда турувчи Юсуф Хўшназаров-дан акралиш ҳақидаги иши Тош-кент шаҳар, Октябрь район, 1-участка халқ судида қўрилади.

Ҳафта кўчаси, 14-туғида, 196-уйда турувчи Анвархон Мирбобое-вич Бобожонов кўчаси, 140-уйда турувчи Машира Баҳромовна Қаримовдан акралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-участка халқ судида қў-рилади.